

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

345 Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2474

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 1 май,
26-сон

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Б. ТЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 1 май,
ЗҚ-2013-сон

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлиги ва Давлат статистика
қўмитасининг 2013 йил 1 майдаги
26, 3қ-2013-сон қарорига
ИЛОВА

**Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор
маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг
ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг
ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) мувофиқ янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида (бундан буён матнда Дастур деб юритилади) назарда тутилган ташкилотлар томонидан янгидан ташкил этилган иш ўринлари яратилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Дастурнинг параметрларини сўзсиз бажариш юзасидан мувофиқлаштирилган ишларни ташкил этиш бўйича доимий ишловчи вилоят ва туман (шаҳар) ишчи комиссияларига (бундан буён матнда ишчи комиссия деб юритилади) тақдим этилганда ҳамда кейинчалик белгиланган тартибда давлат статистика ҳисоботларида акс эттирилгандагина ҳақиқатда янгидан ташкил этилган иш ўринлари амалда ташкил этилган деб ҳисобланади.

2. Янгидан ташкил этилган иш ўринлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларни ҳисобга олиш даври ой, чорак ва йил ҳисобланади.

3. Дастур ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудлар, тармоқлар ва Дастурда назарда тутилган ташкилотлар кесимида янгидан ташкил этилган иш ўринлари ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ҳамда статистик ҳисоботларда тўғри акс этирилиши ўрганилади.

**II боб. Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича
тезкор маълумотлар билан давлат статистика ҳисоботларининг
ўзаро мувофиқлигини таққослаш**

4. Дастурда назарда тутилган ташкилотларда янгидан ташкил этилган

иш ўринлари бўйича давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини ва маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида ишчи комиссия томонидан таққослаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Дастурда назарда тутилган ташкилотларда ташкил этилган иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ ишчи комиссия томонидан ҳисобот ойи якунлангандан сўнг, кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар туман (шаҳар) статистика бўлимларига тақдим этилади;

туман (шаҳар) статистика бўлимлари ишчи комиссия томонидан тақдим этилган маълумотларни тегишли давлат статистика ҳисоботларининг кўрсаткичлари билан ҳар бир ташкилот кесимида алоҳида таққослайдилар;

туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан давлат статистика ҳисоботлари асосида яратилган янги иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ ишчи комиссияга тақдим этилади.

5. Тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботлари ўртасидаги тафовутлар бўйича Дастурда назарда тутилган ташкилотлар кесимида таҳлилий маълумотларда аниқланган тафовутлар ишчи комиссиянинг тезкор маълумотларидан чиқарилади.

III боб. Янгидан ташкил этилган иш ўринларини танлов асосида ўрганиш

6. Дастурда назарда тутилган ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ҳолислигини таъминлаш мақсадида, ҳар ойда бир марта, ҳисобот давридан кейинги ойнинг йигирманчи санасига қадар ишчи комиссия раиси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида ишчи комиссиясининг 3 нафар аъзоси томонидан иш ўринлари ташкил этилган ташкилотда янгидан ташкил этилган иш ўринларининг ҳаққонийлиги ўрганилади.

Ўрганиш давомида ташкилотнинг фаолиятига аралашиш қатъиян тақиқланади.

7. Ишчи комиссиянинг қарорига мувофиқ ҳар чоракда Дастурда назарда тутилган ташкилотларда ташкил этилган иш ўринларининг камида 25 фоизи танлов асосида ўрганилади.

8. Ишчи комиссия ўрганишдан 10 кун олдин ташкилотни ёзма равишда хабардор қилади.

9. Ишчи комиссия раисининг қарорига асосан ишчи комиссиясининг 3 нафар аъзоси ўрганишга чиқади.

10. Ўрганиш бошланишидан олдин ташкилотнинг масъул ходимига ишчи комиссия қарорининг нусхаси тақдим этилади ва комиссия аъзолари томонидан хизмат гувоҳномаси кўрсатилади.

11. Ўрганиш тегишли ташкилотнинг иш вақтида ўтказилади ва муддати 1 кундан ошмаслиги лозим.

12. Ўрганиш давомида янги ташкил этилган иш ўринлари бўйича штат жадвали, меҳнат шартномалари тузилганлиги, ишга қабул қилиш тўғриси-

даги буйруқлар расмийлаштирилганлиги ҳамда меҳнат дафтарчаси юритилаётганлиги ўрганилади.

13. Ўрганиш натижалари бўйича мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ янгидан ташкил этилган иш ўринларини ҳаққонийлигини ўрганиш далолатномаси расмийлаштирилади.

14. Ўрганиш натижалари, далолатномалар ҳамда ташкил этилган янги иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар асосида туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан умумлаштирилган таққослама жадвал тузилади. Умумлаштирилган таққослама жадвал ишчи комиссия томонидан вилоят ишчи комиссиясига, вилоят ишчи комиссияси томонидан эса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига тақдим этилади.

Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Ташкил этилган иш ўринлари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР**

_____ тумани (шаҳри) бўйича 20__ йилнинг «__» _____ ҳолатига кўра

Т/р	ОКПО	СТИР	Ташкилот номи	Ҳисобот даврида ташкил этилган иш ўринлари сони	Шундан касаначилик иш ўринлари сони	Йил бошидан ташкил этилган иш ўринлари сони	Шундан касаначилик иш ўринлари сони
1	2	3	4	5	6	7	8

20__ й. «__» _____

_____ Туман (шаҳар) ишчи комиссияси котиби (имзо) Ф.И.О.



Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

345-модда

Туман (шаҳар) кесимида тўлдирилади

**Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида назарда тутилган ташкилотларда яратилган янги иш ўринлари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР**

_____ тумани (шаҳри) бўйича 20__ йилнинг «__» _____ ҳолатига кўра

Т/р	ОКПО	СТИР	Ташкилот номи	Тезкор маълумотлар				Давлат статистика ҳисоботлари			
				ҳисобот даврида ташкил этилган иш ўринлари	шундан касаначилик иш ўринлари	йил бошидан ташкил этилган иш ўринлари сони	шундан касаначилик иш ўринлари	ҳисобот даврида ташкил этилган иш ўринлари	шундан касаначилик иш ўринлари	йил бошидан ташкил этилган иш ўринлари сони	шундан касаначилик иш ўринлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
			Жами								

— 118 —

Изоҳ: 3, 4, 5, 6, 7, 8-устунлар ишчи комиссия томонидан, 2, 9, 10, 11, 12-устунлар туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан тўлдирилади.

Ишчи комиссияси раиси _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
 Статистика бўлими бошлиғи _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
 20__ й. «__» _____

26 (578) -сон

**Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида назарда тутилган ташкилотларда яратилган янги иш ўринлари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР**

_____ вилоят бўйича 20__ йилнинг «__» _____ ҳолатига кўра

Т/р	Туман (шаҳар) номи	Тезкор маълумотлар				Давлат статистика ҳисоботлари			
		ҳисобот даврида ташкил этилган иш ўринлари	шундан касаначилик иш ўринлари	йил бошидан ташкил этилган иш ўринлари сони	шундан касаначилик иш ўринлари	ҳисобот даврида ташкил этилган иш ўринлари	шундан касаначилик иш ўринлари	йил бошидан ташкил этилган иш ўринлари сони	шундан касаначилик иш ўринлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
	Жами								

Изоҳ: 3, 4, 5, 6-устунлар ишчи комиссия томонидан, 7, 8, 9, 10-устунлар вилоят статистика бошқармалари томонидан тўлдирилади.

Ишчи комиссияси раиси

(имзо)

(Ф.И.О.)

Статистика бошқармаси бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О.)

20__ й. «__» _____

Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Янгидан ташкил этилган иш ўринларини
ҳаққонийлигини ўрганиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20__ йил «__» _____ ҚФЙ (МФЙ)

20__ йилнинг «__» _____ куни _____ да янгидан ташкил этилган иш ўринларини ҳаққонийлиги ўрганилганда қуйидагилар аниқланди:

1.	Ўрганиш вақтида ташкилотда ишловчилар сони шу жумладан: 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ходимлар сони улардан касб-ҳунар коллежини тугатганлар Аёллар	
2.	Бўш иш ўринлари	
3.	Мавжуд бўш иш ўринларининг сони (ҳар бир касб (лавозим) бўйича бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар мазкур далолатномага илова қилинади)	
4.	20__ йилда дастур бўйича яратиладиган иш ўринлари сони	
5.	Амалда яратилган янги иш ўринлари сони шундан: касаначилар	
6.	Ташкилот ишга тушмаган бўлса, унинг асосий сабаблари	

Ташкилот раҳбари

_____ (имзо, муҳр)

_____ (Ф.И.О.)

Ишчи комиссия томонидан ўрганишга юборилган ходимлар:

_____ (Лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (Лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (Лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)